



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2012 йил 5 АПРЕЛЬ, ПАЙШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 68 (12.129)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Ватанга хизмат — муқаддас бурч



Мухаммад Ақин (ЎЗА) олган суратлар

ЁШ ВАТАНПАРВАРЛАР КЎРИГИ

Мамлакатимизда кейинги йилларда ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларни соғлом турмуш тарзига ошно этиш йўлида салмоқли ишлар амалга оширилди. Бу борада «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси томонидан ўтказилаётган тадбирлар ҳам муҳим аҳамият касб этади.

акси бўлибгина қолмай, балки уларнинг ўз танлаган йўлида ташлаган дастлабки қадамлари ҳисобланади. Тадбирда Халқ таълими вазирининг ўринбосари А.Холбеков, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси бошқаруви раиси С.Иномова, «Сен ёлғиз эмассан» республика жамоатчилиги болалар жамғармаси ўқув маркази директори Г.Смирнова ва бошқалар мамлакатимизда ёшларни жисмонан кучли, маънавий бой ва интеллектуал жиҳатдан етук шахс сифатида тарбиялаш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида тўхталиб ўтишди.

Мусобақа натижаларига кўра, умумжамоа ҳисобида Тошкент шаҳридаги 153-мактаб жамоаси биринчи, 21-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари иккинчи, Чирчиқ шаҳридаги 10-мактаб ўқувчилари учинчи ўринни эгаллади. Тадбир сўнггида мусобақа ғолиблари диплом ва эсдалик совғалар билан тақдирланди. Уйлаймизки, ёшларимиз ўртасида ўтказилаётган мана шундай фестиваллар уларни келажақда чинакам мард, жасур, шу билан бирга соғлом бўлиб вояга етишини таъминлайди.

Отабек ОТАЁРОВ

ҚУЛАЙ БИЗНЕС МУҲИТИ САМАРАДОРЛИГИ

Президентимиз раҳнамолигида жамиятни демократлаштириш ва модернизация қилиш, назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувини кескин камайитириш, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини таъминлаш борасидаги ишлар изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Пойтахтимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини суд орқали ҳимоя қилишининг долзарб масалаларига бағишланган халқаро давра суҳбатига ушбу йўналишда амалга оширилаётган ишлар таҳлил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий суд ҳузуридаги суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадбиркор маркази, Олий ҳўжалик суди, Савдо-санаят палатаси, БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамда Фридрих Эберт фонди ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Адлия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Адвокатлар палатаси масъул ходимлари, судьялар ва ҳоризонтал экспертлар иштирок этиди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадбиркор маркази директори Ж.Хайдаров, Савдо-санаят палатаси раиси А.Шайков, Олий ҳўжалик суди раисининг ўринбосари Ш.Саидов ва бошқалар мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича ишончли ҳуқуқий кафолатлар тобора мустаҳкамланаётганини таъкидлади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили, деб эълон қилинган 2011 йилда соҳа вақилларига қўлай бизнес муҳити яратиш бўйича қўрилган комплекс чора-тадбирлар ўзининг юксак самараларини бермоқда. Жумладан, янги ташкил қилинган кичик корхоналар ва микрофирмаларни режалли солиқ текширувларидан озод этиш муддати икки йилдан уч йилга узайтирилди. Солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаётган, шунингдек, ишлаб чиқаришининг барқарор ўсиш суръатлари ва рентабеллигини таъминлаётган кичик тадбиркорлик

субъектларида уч йил давомида солиқ текширувларини ўтказиш таққиланди. Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларни муҳандислик-коммуникация тармоқларига улаш тартиби сезиларли даражада соддалаштирилди ҳамда бу жараён янада очиклик касб этди. Рўйхатга олиш учун давлат божи ставкаси икки баробар камайитрилди. Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 24 августда қабул қилинган «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қўлай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида кўра тадбиркорлик субъектларининг давлат бошқаруви идоралари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари, тижорат банклари билан ўзаро муносабатларида тадбиркорлар ҳуқуқлари устувор этиб белгиланди.

Ўзбекистонда кичик бизнес ривожига алоҳида эътибор қаратилаётгани соҳанинг барқарор ривожланишида муҳим омил бўлмоқда, — дейди ЎЗА муҳбирига «Sherman&Sterling» халқаро юридик фирма-си адвокати, профессор Ричард Краиндлер (Германия). — Мамлакатимизда иқтисодий ҳимоя кичик бизнеснинг улуши тобора ортаётгани бунинг тасдиғидир. Бозор талабларига тез мослаша оладиган бундай субъектларга кенг йўл очилаётгани, бунинг учун қонунчилик асосида зарур шарт-шароитлар яратилаётгани юксак самаралар бериши шубҳасиз. Бундай кенг имкониятлар, хорижий инвесторларни ҳам бефарқ қолдирмайди. Шу боис Ўзбекистонга сармоя киришига қизиқайтган ишбилармонлар сафи тобора кенгаймоқда.

Давра суҳбатига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари билан боғлиқ суд амалиёти, улар фаолиятидаги ташкилий-ҳуқуқий муаммолар, соҳага оид янгиликлар, қонунчиликдаги ўзгаришлар ҳақида фикр алмашилди.

Н.АБДУРАИМОВА

Тошкентдаги «Пойтахт» бизнес-марказида давлат бошқаруви органлари ва жамоат ташкилотларининг ахборот хизматлари фаолиятини такомиллаштириш масалаларига бағишланган лойиҳа бўйича навбатдаги семинар бошланди. Тадбир Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХХТ) лойиҳаларини мувофиқлаштирувчиси офиси ҳамда Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази томонидан ташкил этилди.

АХБОРОТ ХИЗМАТЛАРИНИНГ САЛОҲИЯТИ ОШМОҚДА

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори А.Абдуллаев Ўзбекистон медиа-соҳасини изчил ва тизимли ислоҳ этиш шароитида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти ҳақида жамоатчиликни хабардор қилиш жараёнларини такомиллаштириш, уларнинг ахборот хизматлари фаолияти самарадорлигини ошириш, матбуот билан амалда ўзаро ҳамкорлик қилиш учун оммавий ахборот воситалари соҳасидаги қонунчиликни самарали қўллаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Ўтган йилдан бошлаб ахборот хизматлари фаолиятини такомиллаштириш бўйича мунтазам ўтказиб келинаётган семинарлар ушбу муҳим вазифалар ижросини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Семинар Президентимиз Ислам Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгиланган ахборот тизимини ислоҳ қилишга оид вазифаларни амалга ошириш мақса-

дида ўтказилмоқда. Бу борада тадбир иштирокчилари уларнинг фаолиятида ошқоралиқни таъминлашга ёрдам берадиган «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг асосий қоидалари билан батафсил танишдилар.

Ушбу лойиҳа жамоатчилик, иқтисодий ва ижтимоий йўналишлар бўйича босқунча-босқунча амалга оширилмоқда, — дейди ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси Дьёрдь Сабо. — Уйлаймики, унинг ташкилотчилари билан самарали ҳамкорлик давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шунингдек, Ўзбекистон жамоат ташкилотларининг ахборот хизматлари салоҳиятини мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Мазкур лойиҳани ҳаётга татбиқ этишда ахборот хизматларининг 120 нафардан ортиқ раҳбар ва ходими иштирок этмоқда. 2011 йилда унинг дастлабки босқинчи амалга оширишда Франция, Германия, АҚШ ва бошқа давлатлар мутахассислари иштирокида 5 та семинар-тренинг ўтказилган эди.

С. ТОЖИЕВ, ЎЗА муҳбири



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Кеча Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компанияси томонидан ташкил этилган матбуот анжумани юртимизда тўқимачилик машинасозлигини яратиш, соҳага инвестициялар жалб этиш ва бу жараёнда жаҳон тажрибасидан самарали фойдаланиш масалаларига бағишланди.

● Китеб туманидаги «Осиё жавоҳирлари» хусусий корхонасида хориж технологияси асосида микрокальцит, кварц ҳамда мрамор тошлардан ўнга яқин турдаги қурилиш материаллари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. 400 миллион сўмлик маблағ эвазига амалга оширилган ушбу лойиҳа туфайли бу ерда ойига 300 тонна махсулот тайёрлаш имконияти яратилди. Мухими, йигирмадан ортиқ қўшимча иш ўринлари ташкил этилди.

● Балиқчи туманидаги Наврўз Ҳамроқулов раҳбарлик қилаётган «Қувват ул камол» хусусий корхонасида 20 турдан ортиқ спорт либослари ҳамда жиҳозлари ишлаб чиқарилмоқда. Эътиборлиси, бу ерда иш жараёни тўлиқ компютерлаштирилган. Яъни бичиш-тикиш ишлари хориж технологиялари ёрдамида, автоматик равишда амалга ошириляпти. Эндиликда корхонада бокс қўлқоплари ҳамда бош қисмини ҳимоя қилувчи воситалар тайёрлаш ҳам ўзлаштирилди. Маҳаллийлаштириш дастури доирасида амалга оширилган ушбу лойиҳа туфайли 14 та иш ўрни вужудга келди. Бундан ташқари 6 нафар касаначига меҳнат дафтарчаси очилди.

● Шўрчи туманидаги «Янги оҳак сифат» хусусий корхонасида йилига 300 тонна пардозлаш махсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. 10 кишини доимий иш билан таъминлаган ушбу лойиҳа 125 миллион сўм эвазига амалга оширилди.

ЖАҲОНДА

● Швейцариянинг «Stadler Rail Group» концерни Германия темир йўллари компаниясига 42 та янги поезд етказиб берадиган бўлди. Умумий қиймати 215 миллион еврога тенг бўлган мазкур шартнома 2014 йилгача бажарилиши кўзда тутилган. Соатига 160 км. тезликка ҳаракатлана оладиган ушбу транспорт воситаларидан яқин келажақда Шимолий Рейн-Вестфалия ҳудудидаги қатновларда фойдаланиш режалаштирилмоқда. Мазкур русумдаги поездлар замонавий технологиялар ва видеокузатув тизими билан таъминланади.

● «Интерфакс» ахборот агентлигининг хабар беришича, Россиянинг Сахалин ўлкаси жанубида кучли қор бўронлари кузатилмоқда. Бунинг оқибатида автомобиль йўлларида қатнов бутунлай тўхтаб қолган. Боз устига, қалин қор туфайли махсус техника воситаларининг ишлаши учун имконият бўлмаёпти. Ноқулай об-ҳаво сабабли ҳудуддаги мактабларда дарслар вақтинчалик ёпилган. Аэропортда парвозлар бекор қилинган, рейслар кечиктирилган. Аммо ҳозирча электр энергияси таъминотида деярли узилишлар йўқ. Мутахассисларнинг айтишича, ҳудудда эсаётган шамолнинг тезлиги сониясига 30 метрни ташкил этмоқда. Бундай шартда 500 метрдан узоқ масофани қўришнинг имкони бўлмаёпти.

● Австрия ва Япония олимлари ўзаро ҳамкорликда дунёдаги энг юпқа қурил-манинг қалинлиги бор-йўғи 1,5 микрометрга тенг. Митти қувват манбаининг ҳар икки томони ҳам мустаҳкам ҳимоя қатлами билан қопланган бўлиб, бу уни турли салбий таъсирлардан асрайди. У ўзига қабул қилиб олган нурнинг 4 фоизини электр энергиясига айлантириб бера олади. Бу кўрсаткич қўллаб аънавий батареяларникидан паст бўлса-да, энгиллиги ва ихчамлиги унинг афзал жиҳатлари ҳисобланади.

ҚИСҚА САТРАЛДАР

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз муҳбирларимиз хабарларидан.

✓ **БУГУН** Ўзбекистон тасвирий санъат галереясида рассом Дилором Мамедованин «Калейдос-

коп» номли кўргазмаси очилди.

✓ **БУГУН** Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университетиде «Оила бирдамлиги ва хотиржамлигида ёшларнинг ўрни» мавзуда тадбир бўлиб ўтди.

✓ **ПОЙТАХТИМИЗДА** болаларга иختисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишнинг бугунги ҳолати ва истиқболларига бағишланган республика илмий-амалий анжумани ўтказилди

✓ **ЎЗБЕКИСТОН** давлат жаҳон тиллари университетиде испан тили ўқитувчиларининг «Буюк Ипак йўлида испан тили ва маданияти» мавзуда халқаро аҳумани бўлиб ўтди.

Юқори малакали мутахассисларни, илмий ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш жараёнлари фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари бўйича ҳам амалга оширилмоқда. Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги тасарруфидаги «Unikon.uz» давлат унитар корхонаси фаолиятида фан-техника ижодкорлигига катта аҳамият берилмоқда.

ЯҚИН ҲАМКОРЛИК САМАРАЛАРИ

Кейинги йилларда мазкур марказда ёш мутахассисларнинг илмий изланишлари самарали бўлаётди. Жумладан, ўн нафардан ортиқ ходим номзодлик диссертацияси устида иш олиб бормоқда. Уларнинг бу изланишлари самарали бўлиши учун Россия давлат кутубхонаси электрон базасидан интернет тармоғи орқали фойдаланиш имконияти яратилди. Марказ ўз ходимлари сафини ёш, етуқ кадрлар ҳисобига тўлдириш ва илмий жиҳатдан кучли ходимларни

тайёрлашда қатор олий ўқув юрталари билан амалий ҳамкорликни йўлга қўйди. Айтиш пайтда марказ ҳисобидан Тошкент Алоқа технологиялари университети, Тошкентдаги Вестминстер халқаро университети ва Сингапур менежментни ривожлантириш институти, Жанубий Кореянинг Ённам университети, Санкт-Петербург Давлат телекоммуникациялар университетида талабалар ўқитилмоқда.

Акбар АЛИЕВ



Турин Политехника университети Ўзбекистон ёшларининг жаҳон стандартлари асосида таҳсил олиши йўлида фаолият юритаётган энг нуфузли олий таълим даргоҳларидан биридир.

Иқтисодиёт

СИФАТГА ЭЪТИБОР — МУВАФФАҚИЯТГА ГАРОВ

Сифат бор жойда, албатта муваффақиятга эришилади. Чунки сифатли маҳсулотнинг бозори чаққон, талабгори кўп бўлади. Бундай маҳсулотни тайёрлашда эса, шубҳасиз замон талабига мос, юксак унумга эга технология устуқларининг ўрни бекиёс.

Шу боис ҳам кейинги йилларда ўз истиқболлини белгилаган кўп қорхоналаримизда ишлаб чиқаришни модернизациялаш, цехларни техник ва технологик қайта жиҳозлаш ишларига алоҳида эътибор қаратилаётган. Бунинг самараси эса ишлаб чиқарилаётган «Ўзбекистонда тайёрланган» ёрлиқли рақобатбардор маҳсулотларнинг ҳам ички бозорни таъминлаётгани, ҳам ташқи бозор-

да харидорлиги ортиб бораётганида исботини топмоқда. Мамлакатимиз мебель саноати ривожига салмоқли ўринга эга бўлган «Тошкентмебель» корхонасида ҳам замонавий мебель турлари йил сайин ортиб бормоқда. Дизайнер-конструкторларнинг тинимсиз изланишлари натижасида яратилаётган ётоқхона, меҳмонхона мебель тўпламлари, стол-стуллар ва бошқа

турдаги маҳсулотлар харидорларга манзур бўлмоқда. Бунинг асосий боиси эса уларни тайёрлашда сифатли хом ашё қўлланилиб, илгор технологиялардан фойдаланилаётганидир. Айниқса, кейинги йилларда кўл меҳнатидан унумли фойдаланган ҳолда испан технологияси асосида тайёрланаётган уй ва ошхона мебеллари ўзига хос дизайни, безаклари билан ажралиб турибди.

Ўтган йилларда корхона цехларида лизинг асосида четдан келтирилган замонавий ишлаб чиқариш линиясининг ишга туширилиши маҳсулот турлари, сифати ва ҳажми ортишида муҳим омили бўлди. Шунингдек, ишчи-хизматчилар сафи ҳам ошди. Президентимизнинг касаначиликни ривожлантириш ҳақидаги фармони ижросини таъминлаш мақсадида бир неча касаначи иш ўринлари яратилгани, уларга етарли шарт-шароитлар мавжудлигини ҳам айтиш ўринли.

Жорий йилда тадбиркорлар техник ва технологик жиҳозлаш ишларини давом эттириб, бир неча турдаги мебель маҳсулотлари тайёрлашни, мамлакатимиз вилоятларидаги харидорларга қулайлик яратиш, фирма дўконлари очишни режалаштиришган.

Шарифа ИЛЁСОВА

МАҲАЛЛА — ОИЛАВИЙ БИЗНЕС МАРКАЗИ

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да маҳаллани хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантиришга жиддий эътибор қаратиш лозимлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган. Бу йўналишда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди томонидан муайян ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Жумладан, Миллий матбуот марказида Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви томонидан «Маҳаллани хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнес марказига айлантириш борасидаги устувор вазифалар» мавзусида ўтказилган матбуот анжуманида ҳам бу борада қилинаётган ишлар хусусида сўз борди. Йўналишда «Маҳалла» жамоат фонди республика бошқаруви мутасаддилари ҳамда ҳамкор ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

— Истиқлол йилларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари — маҳаллалар ҳаётининг тубдан яхшиланиши билан бир қаторда, — дейди «Маҳалла» жамоат фонди республика бошқаруви раиси Анвар Аҳмедов, — маҳаллани хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнес марказига айлантириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилади. — Яъни маҳалланинг жойларда хусусий тадбиркорлик, оилавий бизнесни ривожлантириш, халқ хунармандчилигини тараққий эттириш орқали маҳалланинг аҳоли бандлигини таъминлашдаги роли тобора ортиб бормоқда.

Сўнгги маълумотларга кўра, бугунги кунда юртимиздаги 4 миллиондан ортиқ аҳоли ўз томорқасига эга бўлиб, уларнинг ихтиёрида 495 миң гектар ер майдонлари мавжуд. Хонадонларда 7 миллиондан ортиқ қорамол боқилмоқда ва уларнинг 4 миллионга яқини соғин ситирлардир. Қолаверса, ҳозирги пайтда сабзавот, мева ва полиз маҳсулотларининг асосий қисми айнан аҳоли томорқасида етиштирилаётгани эътиборга лойиқ. Шунингдек, маҳаллаларда пилла, туҳум, асал ва балиқ маҳсулотлари ҳам етиштирилмоқда.

Шу кунларда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан жойларда томорқадан самарали фойдаланиш бўйича муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Аниқроқ қилиб айтганда, фуқаролар йиғинлари тегишли ташкилотлар билан биргаликда томорқа эгаларига сабзавот, полиз ва картошка уруғлари ва кўчатларни етказиб бermoқда. Жумладан, 2012 йилнинг биринчи чорагида 1 миллиард сўмлик сабзавот ва полиз экинлари уруғлари хайрия сифатида берилди. Шу билан бирга маҳалла фаоллари томорқадан самарали фойдаланиш, арготехник тадбирлар, тижорат банклари томонидан ажратилаётган имтиёзли кредитлар бу борадаги ишлар самардорлигини янада оширишга хизмат қилиши бўйича тушунтириш ишларини олиб бормоқдалар. Савадо ва хизмат кўрсатиш ҳам оилавий бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг яна бир кенг қўламли йўналиши бўлиб, маҳаллаларда тадбиркорликнинг ушбу йўналишларини янада ривожлантириш бўйича ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда муайян ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Тадбирда Юртбошимиз ташаббуси билан илгари сурилган концепциядан келиб чиққан ҳолда «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимиз тараққиёти учун гоят муҳим ҳуқуқий асослардан бири эканлиги, жамиятнинг асосий бўлини ва бебаҳо қадриятлар бешиги бўлган оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларда муҳим дастуруламал бўлиб хизмат қилиш алоҳида таъкидланди. Бу ҳолда оилаларга ўз бизнесини йўлга қўйиш, ривожлантириш, энг муҳими, ёшларнинг келажагини ҳар жиҳатдан таъминлаш, қафолатлаш учун қўшимча имконият ва имтиёзлар яратиш бериши айтиб ўтилди, жамгармининг 2012-2014 йилларга мўлжалланган Ҳаракат режаси ишлаб чиқилгани қайд этилди.

Фаррух БАХРОМОВ

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида олий таълим муассасаларининг моддий техник базасини мустахкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш масаласига бағишланган матбуот анжуманида айнан шу ҳақда сўз борди.

Тадбирда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги раҳбарлари, олий ўқув юрталарининг ректор ва проректорлари, Ахборот-ресурс марказлари ходимлари ҳамда журналистлар иштирок этди.

Анжуман давомида олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустахкамлаш ва модернизациялаш, уларни ўқув ва илмий лаборатория жиҳозлари билан тўлиқ таъминлаш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш йўналишлари ва мутахассисликларини мақбуллаштириш, таълим стандартларини такомиллаштириш, илгор педагогик технологиялар ва ўқитиш шакллари жорий этиш асосида иқтисодиёт соҳа ва тармоқларида талаб қилинаётган олий таълимга эга мутахассисларни тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш борасида амалга оширилаётган ишлар самараси бўйича қизғин фикр юритилди.

— Ҳозирги кунда вазирлик томонидан чет мамлакатлардаги олий таълим муассасалари ва илмий марказларда иқтидорли кадрларнинг малакасини ошириш бўйича ҳам аниқ мақсадли ишлар амалга оширилмоқда, — дейди Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари М.Орифонов. — Ўтган йили 37 нафар магистрантлар, 21 нафар тадқиқотчилар, 132 нафар ёш ўқитувчилар малакасини ошириш учун чет мамлакатларга юборилди.

— «2011-2016 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустахкамлаш ва ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар «дастури»га мувофиқ 19 та олий таълим даргоҳларида ўқув лаборатория биналарини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлашнинг манзилли рўйхатини шакллантириш ишлари жадаллик билан амалга оширилмоқда. Жумладан,

Анжуманлар ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМАСИ

давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 20 майдаги «Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустахкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида 2011-2012 йилларда вазирлик тасарруфидаги 8 та олий таълим муассасасида 39 та объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Шунингдек талабалар турар жойлари, спорт заллари ҳамда ўқув лаборатория биналарини қуриш ишлари бошланди. Ушбу объектлар учун инвестиция дастури бўйича 2011 йилда 19,8 миллиард сўм, 2012 йилда эса 42,7 миллиард сўм маблағ, жами 62,5 миллиард сўм ажратилди.

Шунингдек, тадбирда Олий таълим муассасалари ахборот-ресурс марказларини замонавий дарсликлар, ўқув-услубий мажмуалари, маълумот-ахборот нашрлари ва бошқа илмий адабиётлар билан таъминлаш борасида 87 номда дарслик, 370 та ўқув-услубий қўлланмалар яратилгани ҳам таъкидлаб ўтилди.

Гулчехра ДУРДИЕВА

ЗАМОНАВИЙ ҚУРИЛМА ҚЎЛ КЕЛДИ

Кунлик босмадан чиқадиган барча матбуот нашрлари вилоят марказларига ўз вақтида етказиб берилмоқда. Бундай масъулиятли вазифа «Халқаро почта» филиали томонидан амалга оширилмоқда. Бунинг учун филиал ихтиёридаги автотранспорт воситаларининг талаб доирасида соз ва йўлга шай бўлишига эришилмоқда.

— Бугунги кунда бизнинг ихтиёримиздаги магистрал автотрактлар сони 9 тага етди, — дейди филиал директорининг ўринбосари Зоҳид Қосимов. — Почта ташвиш автомашиналарига янги замонавий қурилма ўрнатилиб, унумли фойдаланилмоқда. Мазкур қурилма афзал томонларига эга. Жумладан, қурилма ёрдамида ҳаракатланиш йўналиши ва жадалга риоя қилиш каби жараёнларни назорат этиш ҳам муҳим ҳисобланади. Иқтисодий самардорлиги билан ҳам аҳамиятли. Ундан фойдаланиш

натижасида почта машиналари босиб ўтадиган масофа ва ишлатилаётган ёнилғи-мойлаш материалларининг 25 фоизгача қисқариши ҳам аниқланди.

Ҳар кун ҳар бир автотранспорт воситасининг ҳаракатланиши бўйича статистик маълумотлар олиниб, смена диспетчерлари томонидан таҳлил қилинмоқда.

Қўрилаётган бу каби тадбирлар «Халқаро почта» филиали фаолияти шу куннинг талаби асосида юритилаётганини кўрсатиб турибди.

Аҳмад АББОСОВ

ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИ: ТАЖРИБА ВА АМАЛИЁТ

Миллий матбуот марказида «Юртимизда тўқимачилик машинасозлигини яратиш борасида олиб борилаётган ишлар, инвестиция лойиҳалари, жаҳон тажрибасидан самарали фойдаланиш масалалари» мавзусида тадбир бўлиб ўтди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон жаҳон тўқимачилик ҳамжамиятига қатъий ишонч билан кириб борди. Бундай муваффақиятларга маҳаллий ва чет эл инвестицияларининг жалб этилиши, улар асосида замонавий ускуналардан фойдаланиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқарувчи янги корхоналарни ташкил этиш натижасида эришилди.

«Ўзбекенгилсаноат» ДАК корхоналарининг ишлаб чиқариш қувватлари йилдан-йилга ортиб, кенг асортиментда ип калава, газлама, тикучилик ва тикув-трикотаж ҳамда пайпоқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш камрови кенгайиб бормоқда. Компания таркибига кирувчи корхоналар томонидан газлама, кийим-кечак буюмларидан ташқари, аҳолининг тиббиёт ходимлари ва бошқа касб эгалари учун зарур бўлган махсус кийимларга бўлган эҳтиёжи қондирилмоқда.

Мустақиллик йилларида Германия, Швейцария, Италия, Жанубий Корея, Япония, Туркия, АҚШ, Хиндистон ва бошқа кўп қатлам давлатлар инвестициялари асосида 150 дан зиёд корхоналар ташкил этилди. 2008-2011 йиллар давомида 438 миллион АҚШ долларидан ортиқ миқдорда инвестициялар жалб этилди. Жорий йилда ҳам умумий қиймати 150 миллион АҚШ долларлик 20 дан зиёд инвестиция лойиҳалари амалга оширилиши режалаштирилган. Ушбу лойиҳаларнинг муваффақиятли амалга оширилиши натижасида 3000 дан зиёд янги иш ўринлари ташкил этилади.

Кореянинг «ТМС» ва Германиянинг «Террот» компаниялари билан ҳамкорликда пайпоқ тўқуш автоматларини йиғиш бўйича келишув имзоланган. Бу лойиҳаларни муваффақиятли амалга ошириш натижасида 5,5 миллион доллардан зиёд чет эл инвестициялари ўзлаштирилади.

Компания ўз тасарруфидаги корхоналарни такомиллаштириш ва маҳсулот етиштириш сифат ва самардорлигини оширишни назорат қилиш билан биргаликда инновацион фаолликни ошириш, илмий имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш, янги маҳсулот турларини ишлаб чиқиш, тўқимачилик ва машинасозликни ривожлантириш йўлида муайян ишларни амалга оширмоқда. Бу йўналишдаги фаолиятни янада юксалтириш учун мавжуд корхоналарни техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, юқори технологик ишлаб чиқаришни ташкил этиш, Республика миқёсида маҳаллий хомашёни қайта ишлаш даражасини ошириш ҳамда рақобатбардор тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариши ва уларнинг экспорт ҳажмини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Тадбир соҳида амалга оширилаётган ўзичи ислохотлар ва уларнинг самардорлигини янада ошириш бўйича қилиниши лозим бўлган масалалар бўйича йиғилганларни қизқитқирган саволларга мутахассислар томонидан батафсил жавоб берилди.

ҚАЙСИ КАСБНИ ТАНЛАСАН ЭКАН....

Халқ таълими вазирлиги томонидан мактаб битирувчиларини таълимнинг кейинги босқичига тўла қамраб олиш масаласига бағишланган on-line мулоқоти ўтказилди.

www.uzedu.uz сайти орқали ташкил этилган мулоқотда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вазир ўринбосарлари, бошқарма бошлиқлари, Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази, Республика Таълим, Ташхис маркази раҳбарлари ҳамда мутахассислари иштирок этди.

On-line мулоқот чоғида мактаб битирувчиларини таълимнинг кейинги босқичига тўла қамраб олиш, ёшларга ўз ихтидорини ва истеъдодидан келиб чиққан ҳолда касб танлашда қўмақлашиш нафақат ота-она ва ўқитувчи зиммасидаги вазифа, балки бу масалага кенг жамоатчиликни ҳам жалб этиш муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди.

— Яқинда умумий ўрта таълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини таълимнинг кейинги босқичига қамраб олиш ишларини тизимли йўлга қўйиш мақсадида Халқ таълими вазирлигининг uzedu.uz манзилида «Умумий ўрта таълим мактабларининг 9-синф битир, 3-чилари ҳужжатларини академик лицей ва касб-хунар коллежларига қабул қилишнинг электрон дастури» mb.uzedu.uz электрон сайти яратилди, — дейди Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика ташхис маркази мутахассиси Камолдин Жўрабоев. — 2011-2012 ўқув йилида жами 560 миңдан зиёд ўқувчи умумтаълим мактабини битади. Марказ томонидан айнан битирувчилар тўғрисидаги маълумотларни тўғри таҳлил этиш, фактларни қиритиш жараёнида аниқланган камчиликларни жойида бартараф этилиши ҳамда бу жараёни кузатиш ва назоратга олишда мактаб раҳбариятининг масъулиятини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилади. Ҳозирги кунда мактабларида режа асосида ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ва уларни онли равишда касб танлашга тайёрлаш мақсадида «Очиқ эшиклар кунлари», «Касблар фестивали» тадбирлари, ишлаб чиқариш корхоналари, фермер ҳўжалиқларига таништирув таширлари амалга оширилмапти.

Мулоқот давомида юзлаб юртдошларимиз мавзу бўйича ўзларини қизқитқирган саволларга мутасаддилардан жавоб олишти. Хусусан, ўрта махсус касб-хунар таълими йўналишидаги янги ислохотлар, коллеж ва академик лицейларга ўқувчиларни тўлиқ жалб этиш, ҳудудий қамраб олиш масалалари, таълим даргоҳларига қабул жараёнлари, касб-хунарга йўналтиришда эътибор қаратиш лозим бўлган кўп қатлам жиҳатлар юзасидан зарурий тушунчалар берилди.

Форумда 100 дан зиёд саволлар тақдим этилиб, асосан умумтаълим мактаблари битирувчилари ҳамда уларнинг ота-оналари, ўқитувчи-мураббийлари тизимда яратилаётган янги ислохотлар, ўқувчиларни таълимнинг кейинги босқичига тўла қамраб олиш бўйича юзгага келаятган турли муаммо ва камчиликларни муҳокама қилишти.

«Туркистон-пресс»

